



ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

А.А. Набихўжаев
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги


Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» республикамиз 1-Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислохотлар қандайдир идеологияга бўйсунмаслиги ва ҳар қандай ақидалар, исботсиз қоидалар ва эскирган андозалардан истисно бўлиши керак.
2. Давлат – бош ислохотчи. Давлат асосий устуворликлар, йўналишлар ва ислохотлар босқичларини аниқлаши, давлат ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиши ва уларни ҳаётга изчил жорий қилиши лозим.
3. Жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларга барчанинг сўзсиз риоя қилиши.
4. Кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши. Бозор иқтисодиёти муносабатларини жорий қилиш билан бир вақтда аҳолини, айниқса кам таъминланган, кўп болали оилалар ва нафақа ёшидаги кишиларни кучли ижтимоий ҳимоя қилиш борасида таъсирчан чораларни кўриш.
5. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш босқича-босқич, эволюцион йўл билан амалга оширилади. Бунда ҳар бир босқичда объектив иқтисодий қонуниятлар пухта ўйлаб зарур кетма-кетликда амалга оширилади.

Макроиктисодий мутаносиблик


Инфляция даражаси

(ўтган йил декабрига нисбатан, %)



- мўътадил қаттиқ пул-кредит сиёсти олиб борилиши натижасида инфляция даражаси 7-8% дан ошмайди;
- мутаносиб давлат бюджети – 2005 йилдан профицит билан ижро этилмоқда;
- ички ва ташқи қарз олишда консерватив сиёсат: ташқи қарз ҳажми ЯИМга нисбатан 18,5 %дан ошмайди.

Ташқи қарз (ЯИМга нисбатан, %)




Бюджет сальдоси (ЯИМга нисбатан, %)



Макроиктисодий барқарорлик ва фаол саноат сиёсати

ЯИМ ўсиш суръатлари (%)




- мустақиллик йилларида Ўзбекистон ЯИМ қарийиб 5 баробар ошди;

охирги йилларда 8% атрофида барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолинмоқда;

- 1990-2016 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4 мартадан зиёд кўпайди;

- охирги 10 йилда саноат маҳсулоти и/ч нинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ЯИМ ўсиш суръатларидан юқори бўлди.

Саноат маҳсулоти ўсиш суръатлари (%)




Иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш

Тизимий ислоҳотларни изчил
амалга оширилиши
натijasида 2000-2016
йилларда:

- ЯИМда саноат улушининг 14,2% дан 25,7% гача ошиши тармоқда диверсификация ҳисобига эришилди;
- қ/х нинг ЯИМдаги улуши 30,1% дан 17,6% гача камайишига қарамасдан қ/х ишлаб чиқаришининг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолинди (ҳар йил ўртача 6,6%);
- меҳнат унумдорлиги 1,8 марта, қ/х экинлари хосилдорлиги - ўртача 1,7 марта ошди.



ЯИМ таркиби (%)



Аграр соҳадаги ислоҳотлар

Аграр соҳанинг ривожланиш стратегияси қ/х и/ч ни диверсификациялаш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзимизни тўлиқ таъминлашга асосланиш, **натijasида:**

- пахта экин майдонлари 2 марта қисқартирилиб (2 млн. дан 1,2 млн.га), бўшаган экин майдонлари озиқ-овқат экинларини етиштиришга ажратилди;
- дон ва умуман озиқ-овқат мустақиллигига эришилди: 1990-2016 йиллар давомида ғалла етиштириш 1 млн. дан 8,2 млн. тоннага. мева-сабзавот маҳсулотлари 4 млн. тоннадан 19 млн. тоннага етказилди;
- аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 2016 йилга келиб 1990 йилга нисбатан 1,7 марта (174,3%), сут – 2 марта (201,2%), сабзавотлар – 2 мартадан зиёдга (205,7%), мевалар – 3,6 марта (359,5%) ва картошка – 5,2 марта (519,3%) марта ишди;
- охириги 5 йил давомида мева-сабзавотларни қайта ишлаш 2 марта ошди.




Экспорт салоҳиятини кенгайтириш

Экспорт ҳажми динамикаси (млрд.долл.)

Мустақиллик йилларида мамлакат экспорти таркибининг тубдан ўзгариши натижасида:

- 1990-2016 йилларда экспорт ҳажми 30 мартадан зиёд ошди;
- экспортнинг пахта толасидан узвий боғлиқлигига барҳам берилиб, унинг умумий экспорт ҳажмидаги улуши 60% дан 5,1% гача пасайди.;
- хом-ашё бўлмаган товарларнинг экспортдаги улуши 30% дан 76% гача кўпайди;
- охириги 10 йилда юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар экспорти кескин ошди, хусусан автомобиллар экспорти 11,6 марта, ип-калава – 4,4 марта, трикотаж полотнолар – 114,8 марта, ўғитлар – 11,3 марта.




Эспорт таркиби, в %	1990й.	2016й.
Пахта толаси	59,7	5,1
Озиқ-овқат	3,9	8,5
Кимё маҳсулотлари	2,3	6,7
Энергоресурслар ва нефть маҳсулотлари	17,1	13,7
Қора ва рангли металллар	4,6	5,7
Машина и ускуналар	1,7	1,7
Транспорт ва қурилиш хизматлари	1,3	25,5
Бошқалар	9,4	33,1

Ташқи савдо географиясини диверсификациялаш

Мамлакат ташқи савдо географияси кенгайтирилди:

- бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 160 дан зиёд мамлакатлари билан ташқи савдони амалга оширмоқда, шу жумладан Европа, МДХ, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка, Австралия ва Океания мамлакатлари;
- ўзбекистонлик и/ч ларнинг маҳсулотлари дунёнинг 160 та мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

2016 йилда экспортнинг ҳудудий таркиби, жамига нисбатан % да.



Барқарор банк-молия тизими


- банк капиталининг етарлилик даражаси 23,5% га тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич халқаро андозалар даражасидан 3 марта юқоридир;
- банк тизимининг жами капитали 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 20,2 фоиз кўпайиб, 9 триллион 350 миллиард сўмга етди;
- банкларнинг ялпи активлари аҳоли ва юридик шахсларнинг банклардаги маблағларидан деярли 1,8 марта кўп бўлиб, уларни тўла ҳимоялаш ва ўз вақтида тўловларни амалга оширишни кафолайди;
- тижорат банклари кредит портфелидаги ички манбааларнинг улуши 2000 йилдаги 46,3% дан 2016 йилда 86,8% гача ошган.



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги

- бирорта банкда ликвидликнинг йўқотилиши ва муаммоли кредитларнинг кўпайиши содир бўлмади;
- банкларнинг кредит фаоллиги пасаймади. 2008-2016 йиллар давомида ўртача йиллик кредитлар ҳажмининг ўсиши 1,3 мартани ташкил қилди;
- банк тизимидан маблағлар чиқиб кетиши кузатилмади. 2008-2016 йиллар давомида тижорат банкларига жалб қилинган депозитлар ҳажми ҳар йили ўртача 1,3 марта ошиб борди;
- тўлов баланси ва давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташқи бозордан маблағлар жалб қилинмади.

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси динамикаси (%)




Солиқ юкининг пасайиши

Мустақиллик йилларида ялпи солиқ юки 3 мартадан зиёд қисқарди, шу билан бирга давлат томонидан экспортёр корхоналар, инвестиция киритаётган ва янги турдаги маҳсулот и/ч ни ўзлаштираётган корхоналар ва кичик бизнес субъектларига қўшимча имтиёзлар белгиланди.

Солиқ юки пасайиш динамикаси
(ЯИМга нисбатан, %)

Солиқ турлари	1992-2015 йиллардаги максимал ставкалар	2016 г.
Юридик шахсларга фойда солиғи	45%	7,5%
Жисмоний шахсларга даромад солиғи	60% гача	23% гача
Қўшилган қиймат солиғи	30%	20%
Ягона ижтимоий тўлов	40%	25% (кичик бизнес учун – 15%)
Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2%	5%



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш

Иқтисодий ислоҳотларнинг бошиданоқ кичик ва хусусий бизнес ривожини кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асоси бўлди.

- 2000-2015 йиллар мобайнида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сони 2,3 марта кўпайди;
- кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 31% дан 2016 йилда 56,9% гача ошди;
- бугунги кунда кичик бизнес соҳасидаги ходимлар иш билан банд жами аҳолининг 78% дан ортиғини ташкил қилмоқда;
- sanoat соҳасидаги кичик корхоналар маҳсулотлари ҳажми умумий sanoat маҳсулотларидаги улуши 12,9% дан 45,0% гача ошди.


Кичик бизнес улуши (%)	2000й.	2016й.
ЯИМда	31,0	56,9
Саноат маҳсулотларида	11,3	45,0
Қурилишда	37,0	70,7
Чакана товар айланишида	45,3	89,6
Иш билан бандликда	49,7	78,1
Экспортда	10,2	28,5

Фаол инвестицион сиёсат


Мустақиллик йилларида фаол инвестицион сиёсат олиб борилиши натижасида:

- иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 17 мартадан зиёд ошди;
- 2000-2016 йилларда жами эквивалентда 190 млрд. долл. дан зиёд инвестициялар, шу жумладан 65 млрд.долл. дан зиёд ҳорижий инвестициялар ўзлаштирилди;
- охирги 10 йил давомида ҳар йили инвестицияларнинг ўсиш суръатлари ўртача 13,6%ни ташкил қилмоқда;
- ЯИМда капитал маблағлар улушининг 24,8%дан ошиқ бўлиши келгусида барқарор ўсиш суръатларини таъминлайди.

Инвестицияларнинг ўзгариш суръати, %



Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, в %




Тизимий инвестицион сиёсат

Иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялашга
йўналтирилган фаол инвестицион сиёсат янги юқори
технологик тармоқларни яратишга замин яратди:

- автомобилсозлик
- нефтегазохимия
- электротехника
- нефтегаз машинасозлиги
- темир йўл машинасозлиги
- замон талабларига жавоб берувчи қ/х машинасозлиги
- тўқимачилик саноати
- қурилиш материаллари саноати
- фармацевтика
- мебель саноати

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига 60 млрд. долл.
зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинди



Мустақиллик йилларида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар

Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион муҳит иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва корхоналарига етакчи хорижий инвесторларни жалб қилишга имкон берди.

- Асака ва Питнак шаҳарларида «GM» (АҚШ) компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар и/ч заводлари, Самарқанд вилоятида «Исузу» (Япония) компанияси б-н ҳамкорликда автобус ва «МАН» (Германия) компанияси б-н юк ташиш автомобиллари заводлари қурилди.



Мустақиллик йилларида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар

➤ «Текнип» (Франция) компанияси б-н ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи;



➤ «АББ» (Швейцария) компанияси б-н ҳамкорликда Шўртан газ-кимё комплекси;



➤ «СИТИК» (ХХР) компанияси б-н ҳамкорликда Қўнғирот сода заводи.



Мустақиллик йилларида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар

- Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши;
- Хандиза конида полиметалл рудасини ўзлаштириш;
- «Қамчиқ» довони орқали Охангарон-Пунган газ ўтказгич иншооти қурилиши»;



- Тоғ-металлургия саноатида янги конларни ўзлаштириш;
- Денгизкўл и Памук конларида компрессор станцияларини қуриш;
- Шўртан конида пропан-бутан қоришмасини и/ч қурилмаси қурилиши (3 ва 4 навбатлар);
- АК «Жиззах пластик», ЭИИЗ «Навоий» базаларида полипропилен трубаларини и/ч ва бошқалар.

Эркин идустриал зоналар ва логистик марказлар ривож

- «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» махсус иқтисодий зоналар ташкил қилиниб, уларнинг ҳудудларида 32 та ҳозирги замон юқори технологик и/ч лари ташкил қилинди ва ушбу мақсадларда 300 млн.долл. хорижий инвестициялар жалб қилинди;
- «Навоий» аэропорти фаолияти зонасида Халқаро Интермодал логистика маркази ташкил қилинди;
- Ангрен шаҳрида Халқаро логистика маркази фойдаланишга топширилди.



Транспорт инфратузилмаси ривожига инвестициялар

Ўзбекистон миллий автомагистралли таркибига кирувчи 2,3 минг км. автомобиль йўллари қурилди ва реконструкция қилинди;

223 км узунликдаги Тошгузар-Бойсун–Қумқўрған, 342 км узунликдаги Амударёдан кўприк орқали ўтувчи Навоий–Учқудуқ–Нукус–Султануиздаг йўналишларида темир йўллари қурилди;

Ангрен-Поп йўналишида 19 км тонелли янги электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш ишлари якунланди;

Тошкент-Самарқанд йўналишида қатновчи тезюрар «Talgo-250» русумли йўловчи ташиш поездлари харид қилиниб, йўловчиларни ташиш йўлга қўйилди;

Аэропортлардаги пассажир терминаллари реконструкция қилинди;

Авиапарк ҳозирги замон Airbus и Boeing русумли самолётлар билан тўлиқлигича янгиланди.



Малакали ишчи кучини тайёрлаш


1996 йилдан амалга оширилаётган Кадрларни тайёрлаш миллий дастурига биноан янги маориф тизими яратилди:

- янгидан ташкил қилинган 1,6 млн. ўқувчига мўлжалланган 1556 та академик лицей ва ксб-ҳунар коллежлари фаолият юритмоқда;

- 3 млн. ўқувчига мўлжалланган 7,8 мингта умумтаълим мактаблари реконструкция қилинди ва янгидан қурилди;

- 66 та олий ўқув юртларида 260 минг талаба таълим олаяпти, шу жумладан Вестминстер халқаро Университети, Турин политехника институти, Сингапур менежмент ривожланиши институти, Тошкент шаҳридаги Инха Университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат Университети, М.И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ва бошқа етакчи хорижий университетлар филиаллари.

Саводхонлик даражаси, 15-24 ёш



Таълим тизими ривожининг қиёсий кўрсаткичлари



■ Таълим тиз. давл. хараж. (давлат бюджети харажатларига нисбатан, %)

■ Таълим тизими ривожининг қиёсий кўрсаткичлари (ЎИМ)

Хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланиши

Мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётида энг истиқболли ва тез суръатларда ривожланувчи тармоққа айланди.

■ агар 90-йиллар бошида иқтисодиётда хизмат соҳасининг улуши 33% атрофида бўлган бўлса, ҳозирги даврда унинг улуши ЯИМнинг 49,5% га (ИФУК бўйича) тенг келади;

■ ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи янги турдаги хизмат турлари пайдо бўлиб, уларни хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги кунда 21% дан ошди:

рақамли ахборот-коммуникацион технологиялар,;

мобил алоқа хизматлари;

компьютер дастурлаш,;

консалтинг, ҳуқуқий ва аудиторлик хизматлари;

риэлтер ва брокерлик хизматлари;

хусусий медицина;


автосуғурталаш, молиявий хизматларнинг янги турлари, ш.ж. лизинг, электрон банкинг ва ҳ.к..

■ давлат хизматларининг интерактив турдаги хизматлари жадал жорий қилинмоқда;

ҳозирги даврда Давлат хизматларининг ягона интерактив портали орқали 230 дан зиёд хизматлар кўрсатилмоқда. Ягона порталга барча давлат ва хўжалик идоралари уланган.



ЯИМда хизматлар улуши, %
(2000-2014 йиллар ХХТУК бўйича)
(2015-2016 йиллар ИФУК бўйича)





Аҳолини иш билан бандлиги ва унинг дармадлари ошишини таъминлаш

Янги иш ўринларини яратиш динамикаси
(МИНГ КИШИ)

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш қуйидагиларга имкон берди:

- охириги 5 йилда ҳар йили 1 млн. га яқин янги иш ўринлари яратилди;
- 1990-2015 йилларда иш билан банд аҳоли сони 1,6 марта ошди;
- аҳолининг тадбиркорликдан оладиган даромадларини умумий даромадлардаги улуши 1990 йилдаги 10,6% дан 2015 йилда 52% гача ошди;
- аҳолининг реал ялпи даромадлари 1990 йилга нисбатан 12,3 марта ошди;
- аҳоли даромадларидаги табақаланиш 2000 йилдаги 53,3 мартадан 2015 йилда 7,7 мартагача қисқарди (меъёр – 10 марта).



Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

**Иқтисодиёт рақобатбардошлигини янада ошириш,
қуйидагилар ҳисобига:**

- иқтисодиётдаги тизимий ўзгаришларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- саноатнинг етакчи тармоқларини фаол модернизациялаш ва диверсификациялаш, хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни ҳозирги замон технологияларини қўллаган ҳолда чуқур қайта ишлаш;
- жаҳон бозорида юқори рақобатбардош ва иқтисодий ўсишнинг локомотиви бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни тезроқ ривожлантириш ва манзилли қўллаб-қувватлаш;
- ахборот-коммуникация технология тизимларини кенг жорий қилиш;
- макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

2015-2019 йилларда и/ч да тизимий ўзгаришлар, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминловчи чоралар Дастури

- 41 млрд.долл. қийматга тенг бўлган 875 та лойиҳаларни амалга ошириш;
- 100 турдаги янги товар гуруҳлари ва 1 мингдан зиёд ассортимент турларини ўзлаштириш;
- саноат маҳсулоти и/ч ҳажмини 1,5 марта ошириш.



Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида барча тўсиқларни олиб ташлаб, тўла эркинлик бериш:

- давлат хизматларини тақдим қилишда ахборот-коммуникацион технологияларни жорий қилиш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги тартиботларни соддалаштириш;
- хусусий тадбиркорларни хом-ашё ресурсларига эгалик қилишларида очиқлик механизмини кенгайтириш, айниқса уларни очиқ биржалар ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажми янада ошириш;
- давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат идоралари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашганлари учун жавобгарликларини кучайтириш.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

Давлатнинг иқтисодиётда қатнашув даражасини стратегик ва иқтисодий асосланган миқдоргача қисқартириш, шу жумладан:

- 1035 та давлат корхоналари ва давлат тасарруфидаги объектларни хусусий мулкка сотиш, шу жумладан 452 та корхона ва объектларни «0» қийматида;
- давлат тасарруфида бўлган 256 та фаолият юритмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган корхоналарни тугатиш;
- 354 та фойдаланилмаётган ва қурилиш тугалланмаган давлат тасарруфидаги объектларни бузиб ташлаш ва танлов асосида тадбиркорлик субъектларига бўшаган 119 га ер участкаларини бериш.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

Ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестицион жараёнларига ҳозирги замон халқаро андозаларига жавоб берувчи корпоратив менежмент тизимини жорий қилиш, шу жумладан:

- акциядорлик жамиятларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва бошқарув персоналига нисбатан ҳозирги замон талабларини жорий қилиш;
- юқори малакали хорижий менежерлар ва мутахассисларни жалб қилиш;
- компаниялар молиявий фаолияти тўғрисида халқаро андозалар бўйича молиявий ҳисоботни (МСФО) сўзсиз аудит ўтказилишини жорий қилиш;
- компанияларни бошқаришда миноритар акционерлар ролини ошириш.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш:

- 2015-2019 йилларда 600 дан зиёд қиймати 5 млрд.долл. бўлган маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш;
- 1225 та энг зарур керакли маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, шу жуиладан 580 та янги маҳсулот турларини;
- 2020 йилгача асосий саноат тармоқлари учун импорт қилинаётган материаллар ва бутловчи қисмлар ҳажмини 40% га қисқартириш натижасида 6 млрд.долл. валюта маблағларини тежаш.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

Ривожланган йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тизимини яратиш, шу жумладан 2015-2019 йилларда қиймати 9,9 млрд.долл.га тенг бўлган лойиҳаларни амалга ошириш:

- умумий фойдаланишдаги 2,7 минг км. автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, ш.ж. 1,8 минг км йўл Ўзбек миллий автомагистралада;
- 960 км темир йўллари ривожлантириш ва қайта тиклаш ҳамда 885 км темир йўллари электрлаштириш;
- 8,6 минг км сув ва 358 км канализация шаҳобчаларини қуриш ва қайта тиклаш;
- 25,3 минг км тақсимлаш шаҳобчалари ва 5,6 тыс. электр таъминоти объектларини модернизациялаш;
- оптик линиялар узунлигини 1,7 марта ва мобил алоқа билан аҳоли пунктларини таъминлаш даражасини 80% дан 95,3% гача ошириш натижасида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўрта муддатга устуворликлари

Аҳоли турмуш фаровонлиги ва яшаш сифати
даражасини муттасил ошириш:

- ҳар йили 1 млн.га яқин янги иш ўринларини, уларнинг 60%ни қишлоқ жойларда яратиш, биринчи навбатда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш;
- ҳар йили 12 мингта замонавий қишлоқ уйларини қуриш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва қишлоқ ташқи қиёфасини тубдан ўзгартириш;
- давлат бюджетининг 60%гача маблағларини ижтимоий соҳага, ш.ж. маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларига йўналтириш;
- тиббиёт ва маориф муассасаларининг МТБни янада яхшилаш.



**Эътиборингиз учун
рахмат!**